

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИКИШИ
№ 119 (1639)
17
ИЮНЬ
ЖУМА
1960 ИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН.

1965 йил даражасига етиб олдилар

Калинин районининг колхозчи-лари, совхоз ишчилари Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленуми шарафига социалистик муСОБАНИ КУЧАЙТИРИБ ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШДА АЖОЙИБ ГАЛАБАГА ЭРИШДИЛАР. Район бўйича давлатга 138 тонна пилла сотилиб, бу соҳада 1965 йил учун белгиланган даражага етиб олинди.

Райондаги 13 колхоздан 9 таси социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажарди.

Айниқса генерал Раҳимов номили, «Ленинизм», Охунбобоев номли колхозлар пилла етиштиришни

кулайтиришга улкан ҳисса қўшдилар. «Тошкент» совхозини ҳам пилла тайерлаш планини анча ошириб бажарди.

Жуда кўп фидокор колхозчи-лар об-ҳаво шароитининг ноқулайлиги билан болғич бўлган қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Зарифа Набиева, Мубор Саидганиева, Матлуба Каримова, Фотида Саҳарова каби

ўртоқлар ҳар кўти кўрт уругидан 116—135 килограммдан пилла териб олишга муваффақ бўлдилар.

Шу билан бирга район колхоз-лари ва совхозларида давлатга ўшт топшириш йиллик плани ҳам 120 процент бажарилди. Давлатга пландаги 985 тонна ўрнига 1181 тонна ўшт сотилди. Сўт сотиш ярим йиллик плани эса 113 процент бажарилди. Тухум етиштириш соҳасидаги мажбурият ҳам адо этилди. Давлатга 1.000.076 дона тухум сотилди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнат-кашлари экинлар парваришини кучайтириб картошка, сабзавот, қовун-тарвуздан ҳам мўл ҳосил етиштириш чораларини кўрмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб берамиз

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг янги социалистик мажбурияти

14 июнда Ингйўл шаҳридаги маданият ва истироҳат паркида област қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг традицион кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаши област ижроия комитетининг расси Х. М. Жалилов очди. Кенгаш қатнашчилари — район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, совхоз ва РТСларнинг директорлари, агрономлар, трактор-далачилик ва далачилик бригадалари ҳамда эвенаторларнинг бошлиқлари, донгдор пахта усталари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет активлари бу гал жуда муҳим масалани муҳокама қилдилар. Улар ўз ички имкониятлари ва резервларини қайта қўриб чиқиш, мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан янги мажбурият олдилар.

Бу масала юзасидан област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ф. Гуломов доклад қилди.

— Биз бу ерга, — деди ўртоқ Гуломов, — аниқ муҳим хўжалик-сисий масалани муҳокама қилиш, яъни областимиз пахтакорлари томонидан олинган социалистик мажбуриятни қайта қўриб чиқиш учун тўғлиқдик.

Бу ҳақда гапиришдан аввал, менга шонли пиллачиларимизни, барта қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини давлатга пилла сотиш планини ва социалистик мажбуриятлар бажариб, катта галабага эришганликлари билан уларни област партия комитетини ва област ижроия комитетини номидан чин юракдан қутлашга ихбозат бергайиз.

Биз етти йилликнинг иккинчи йилини ёмон бошламадик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Давлатга бир йиллик планда назарда тутилган ортиқроқ миқдорда ўшт сотилди. Тухум сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Давлатга сўт, жун ва бошқа айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ярим йиллик планлари муваффақиятли адо этилди.

Область партия комитетини ва област ижроия комитетини Тошкент областининг меҳнаткашлари 1960 йил учун олинган барча мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилганини таъминлашларига аминдилар.

Тошкент областининг меҳнаткашлари, деди сўнгра докладчи, ўтган йили фидокорона меҳнат қилдилар, пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва бир йил ичда пахтанинг ҳосилдорлигини гектар бошига 4,3 центнер оширишга муваффақ бўлдилар.

Партия ва ҳукумат областимизни Ленин ордени билан мукофотлаб, эришилган муваффақиятга юксак баҳо бердилар. Биз юксак мукофот билан фахрланамиз ва айни вақтда бу мукофот бизнинг зиммасига катта масъулият юклашини ҳис этамиз.

Партия бизга эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолиш ярамайди, олга томон тўхтовсиз

равишда ҳаракат қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришининг янгида-янги резервларини топиш ва ишга солиш лозим, деб таълим беради.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган декабрь Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан кўпайтириш учун курашининг кенг программасини белгилаб берди.

Пленум қарорларида агротехниканинг прогрессив усулларини янгида кенг жорий қилиш ва иш жараёнини комплекс равишда механизациялаш йўли билан пахтачиликни ривожлантириш, пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва унинг таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитети Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш бизнинг шон-шараф ишимиз, биринчи даражаги вазифамиздир.

Область пахтакорлари, деди ўртоқ Гуломов сўзини давом эттириб, йил бошида 475 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш, бу йил ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосилининг 25 центнерга етказиш ҳақида сўз берган эдилар.

Қилинган ҳисоблар шунини кўрсатмоқдаки, агар биз ҳар гектар ерда камиди 25 центнердан пахта етиштириб, ҳосилдорлигини ошириш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни бажарсак, 204,1 минг гектар ердан 475 минг эмас, балки камиди 510 минг тонна пахта олишимиз ва давлатга сотишимиз мумкин.

Бизга: «Сизлар Кремлда бўлиб ўтган кенгашда давлатга 500 минг тонна пахта сотиш юзасидан мажбурият олган эдингиз, бироқ уни бажармадингиз» деб айтишлари мумкин. Тўғри, биз берган вазданининг устидан чиқолмадик. Бу ҳол олинган мажбуриятни бажариш учун бизда имконият йўқлиги сабабли эмас, балки мажбуриятни олишга олиб, уни бажариш юзасидан ишни ташкил қилмаганлигимиз, барча колхозчилар, совхозларнинг ишчиларини ана шу катта сисий ва давлат аҳамиятдаги ага бўлган вазифани адо этишга сафарбар эта олмаганимиз туфайли юз берди.

Биз юксак мажбурият олишга олдиқ, лекин орадан кўп ўтмай уни асдан чиқариб юбордик ва олган мажбуриятимиз ҳақида фақат тантанали йиғилиш ёки мажлисларда мактанаш зарур бўлиб қолганидагина аслаб қўйдик.

Айрим ўртоқлар биздан: ўтган йили сизлар нима сабабли 500 минг тонна учун эмас, балки фақат 460 минг тонна пахта учун кураш олиб борган эдингиз, деб сўрашлари мумкин.

Биз бу ўртоқларга: 1956—1958 йиллар мобайнида областда етиштирилган пахтанинг миқдори қарийб 90 минг тоннадан зиёдроқ камайиб кетганди. Шу сабабли ўтган йил учун 460 минг тонна юксак ва шарафли мажбурият ади ва уни муваффақият билан бажардик. 1959 йили биз давлатга 1958 йилдагига нисбатан 90 минг тонна кўп пахта сотдик. Эндиликда эришилган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, 500 минг тонна пахта етиштириш учун курашининг янги имкониятига ағамиз. Бу ўтган

йилдагига қараганда 37 минг тонна кўпдир, деб жавоб берамиз.

Бу йил биз чигитни кузда шудгор қилинган ерга эдик, баҳорда ер ҳайдаб овора бўлмадик. Экинни қисқа муддатларда, юқори агротехника кўрсаткичлари асосида ўтказдик. Тўғри, бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келди. Чигит ундириб олинган, кўп емгир ерди, айрим жойларда ҳў тушди, ҳавонинг иссиқлик ҳарорати паст бўлди. Буларнинг ҳаммаси гўзанинг ҳолатига қаттиқ таъсир қилди.

Кўпчилик районлар, колхозлар ва совхозлар кўчатиш сақлаб қолдилар, гўза тулпарининг нормал қилинганда бўлишига эришдилар. Эндиликда биз кўзлаган мақсадга эришим учун бутун куч ва гайратимизни ана шу омон сақлаб қолган гўзани парвариш қилишга сарфлашимиз керак.

Эътироф этиш керакки, гўзанинг ривожланишидаги қолоқликка ҳали барҳам беришдан йўқ. 120 минг гектар майдондаги гўза ривожланиш жиҳатидан ўтган йилдагига нисбатан 10—12 кун, 40 минг гектарга яқин майдондаги гўза эса 15 — 16 кун орқада қолмоқда. Биз ҳанузгача пахта даладарини бегона ўтлардан тўла тозалала олганимиз йўқ. Айрим жойларда гўзани сугориш яхши ташкил қилинмаган.

Область партия комитетини ва област ижроия комитетини, деди ўртоқ Гуломов, бу йил 500 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш ҳақида мажбурият олиш борасидаги тақдирини сиз, қадрдон ўртоқларнинг чин кўнгилдан қувватлашиниғизга аниқ юксак мажбуриятни сўзасиз бажариш учун барча зарур чораларни кўришиниғизга ишонадилар.

Беш юз минг тонна пахтанинг етиштирилиши ёки етиштирилмаслиги сиз қадрдон ўртоқларга болғичдир!

Районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадаларда мўл ҳосил учун кураш тобора кучайтирилмоқда. Пахтачиликнинг дон таратган усталари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ганишер Юнусов, Валентин Тўпко, Турсуной Охунова, Ҳасимполлов Қодиров, Тошмамат Алижонов ўртоқлар ҳар гектар ерда 50 центнердан ҳосил етиштириш учун бошланган курашининг ташаббускорлари бўдилар. Уларнинг аjoyиб ватанпарварлиги ташаббуси кенг равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Яқинда ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номили колхозининг бригада бошлиқлари Мўларов, Қамбаров, Сарибобоев ўртоқлар илгари олган мажбуриятларини қайта қўриб чиқдилар ва бу йил ҳар гектар ерда камиди 50 — 60 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдилар.

Ҳозирнинг ўзидек кўпгина бригадалар улардан ибрат олиб, ўз мажбуриятларини қайта қўриб чиқиб бошладилар. Бекобод районидagi «Победа» колхозининг Очиллов, Даржиский номили колхозининг Минаев, Ленин номили колхозининг Мусурмонқулов, Навоий номили колхозининг Эшонтўраев, 1-«Далварзин» совхозининг Ортиқов, 2-«Далварзин» совхозининг Сирожидинов, Сирдарё районидagi Куйбисhev номили колхозининг Ҳасим Рустамов, Охунбобоев номили колхозининг Тошев, Қарл Маркс номили колхозининг Бадалов,

Ленин номили колхозининг Гафоров ўртоқлар бошлиқ бригадалари ва Янгйер шаҳри, Бўқа, Гулистон, Кўйи Чирчиқ ҳамда бошқа районлардаги хўжаликларнинг кўпчилик бригадалари ҳар гектар ерда 40 — 45 ва 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Кўпгина колхозлар ҳам янги, оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Мисол учун, Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» (раиси ўртоқ Матқобулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эшонтўраев), Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номили (раиси ўртоқ Д. А. Ким, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эм) колхозлар бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта олиш ва давлатга сотишга қарор қилдилар. Умуман Оржоникидзе райони ҳар гектар ердан 40 центнер ва Ингйўл райони 35 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Биз ана шу шонли ватанпарварлар Ватанга берган ваъдаларини шараф билан бажаришларига шубҳа қилмаймиз.

Бизда коммунистчасига яшаш ва ишлаш шioriга амал қилаётган бригадаларнинг сони тобора кўпаймоқда. Область партия комитетини бу юксак номи олиш учун давом этаётган муСОБАҚАНИНГ шартларига жавоб берадиган бригадаларга коммунистик меҳнат коллективини номини бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Эндиликда Гулистон районидagi Ленин номили колхозининг Ганишер Юнусов, ўрта Осиё машина-синаш станциясининг Валентин Тўпко, Чиноз районидagi Киров номили колхозининг Турсуной Охунова, Бўқа районидagi Охунбобоев номили колхозининг Саодат Гулаҳмедова, Пискент районидagi Тельман номили колхозининг Ҳасимполлов Қодиров, «Оққўрғон» совхозининг Тошмамат Алижонов, 1-«Бобут» совхозининг Шарофат Бозорова, Гулистон районидagi «Ленинград» колхозининг Сорохан Шодмонова, Бекобод районидagi 2-«Далварзин» совхозининг Аҳмаджон Сирожидинов, «Победа» колхозининг Мамасоли Очиллов, ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номили колхозининг Муллаҳўжа Мўларов, Сирдарё районидagi Куйбисhev номили колхозининг Ҳасим Рустамов, «Малик» тажриба хўжалигининг Жавод Кўчиев, Чиноз районидagi «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Рустам Умарбоев ўртоқлар бошлиқ бригадалари ва бошқа бир қатор бригадалар коммунистик меҳнат коллективлари ҳисобланадилар.

Биз қишлоқ хўжалигида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг шонли ҳаракатини ҳар тарафлама кенгайтиришимиз зарур. Ҳамма коммунистчасига яшаш ва ишлаш учун интилиши лозим.

Афсуски, областда бу йилги огир шароитда қийинчиликлар олдиди асанқираб қолган ва гўза парвариш соҳасида жиддий равишда орқанда қолаётган бригадалар, колхозлар ва совхозлар ҳам бор. Ана шу бригада ва хўжаликларнинг раҳбарлари об-ҳаво шароитининг ноқулайлигини беҳуда рўқбат қилдилар. Аслида улар руҳсизланиб,

илшдан қўл сийтадилар, бу йилги юз берган шароитда юксак даражадаги сафарбарлик ва уюшқоқлик, мустаҳкам интизом зарур ақалигини тушунадилар ёки тушунишни хоҳламадилар.

Жумладан «Оққўрғон», «Пискент», Киров номили, 2-«Бобут», «Мирзачўл» совхозларида йўл қўйиб бўлмаслик даражада сусткашлик юз берди. Кейинги кунларгача бу хўжаликларда қатқалоқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш ишлари тугалланмади, гўзани сугориш кучайтирилмади. Пискент, Бўқа, Оққўрғон ва Ингйўл районларида гўзани сугориш жуда секин бораёттир. Бунга сабаб шунки, кўпчилик бригадалар бегона ўтларнинг кўпайиб кетишидан қўрқиб, сугоришни кетта сийтамоқдалар. Бироқ бу мутлақо нотўғри. Ахир тўпуроқ кўриб қолса, гўзанинг нормал ривожланиши учун шароит қолмайди, у озиқлантириш тариқасида солинган азотли ўғитлардан баҳраманд бўлолмайдир.

Шунинг эсада тутиш керакки, тўпуроқ қуришиб қўйилган далаларда гўзага ахши ишлов берилмаса, бегона ўтлар кўпайиб кетадди, гўзани азиб қўяди. Агар кимки Гулистон районидagi «Ленинград» колхозининг Аноркулов ва Сталин номили колхозининг Қодиров, Бекобод районидagi «Победа» колхозининг Маматкаримов, 1-«Далварзин» совхозининг Султонов, 1-«Бобут» совхозининг Эгамназаров, 3-«Бобут» совхозининг Саримсоқов, Чиноз районидagi Киров номили колхозининг Мирзализов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Мавлонов, «Коммунизм» колхозининг Олимхўжаев ўртоқлар бошлиқ бригадалари даласига борса, бунга осонлик билан ишонч ҳосил қилди. Бошқа районларда ҳам бундай бригадаларни кўплаб учратиш мумкин.

Биз ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумига гўзага ишлов берилишининг иккинчи шиклини тўла тугаллаш ва учинчи шиклини қийинчи юбориш, июль ойининг биринчи ўн кунлигида эса гўзанинг оммавий равишда гуллашига эришадиган даражада йўлга қўйишимиз лозим. Бу гўзанинг тезроқ ҳосилга кириши ва мўл ҳосил тўплаши учун шартдир.

Ривожланиш жиҳатидан орқанда қолаётган гўзаларни азотли ўғитлар билан қўшимча равишда озиқлантириш, ана шу майдонлардаги экинни сугориш ва сўнгра ахшилаб икки томонлама култивация қилиш ҳамда бу билан тўпуроқнинг юмшашини таъминлаш керак.

Ҳозирги вақтда махсус транспорт бригадалари ташкил қилиш, уларни автомашиналар, бричкалар ва ишчи кучи билан таъминлаш ҳамда далага бўш ташиб чиқаришни дарҳол бошлаб юбориш муҳим аҳамиятга эга. 15 июлгача ҳар гектар ерга бир ярим-икки тонна ҳисобдан пахта майдонларига камиди 300 минг тонна органик ўғит чиқариб солиш керак.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

СОВЕТ КОСМИК ЙЎЛДОШ-КЕМАСИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Шу йил 15 майда учирилган совет йўлдош кемаси 15 июнь Москва вақти билан соат 18 га қадар Ер атрофини 486 марта айланиб чиқди, ўтган бир ой ичда 20,9 миллион километр йўл босди.

Учирувчи ракетанинг охириг босқичи шу вақт ичда Ер атрофини 501 марта айланиб чиқди ва 21,1 миллион километрлик масофани босиб ўтди.

Йўлдош-кема янги орбитага ўтказилган пайтдан бошлаб унинг Ер атрофини айланиб чиқиш даври 5,4 секунд камайдан ва ҳозирги вақтда 94,16 минута тенг. Йўлдош-кеманинг шу йил 19 майда 690 километрлик ташкил этган апогеини (Ер юзасидан энг баланд нуқтаси) ва 306,5 километрлик ташкил этган перигейни (Ер юзасига энг яқин нуқтаси) 15 километр камидан 675 километр ва 304,5 километрга тушиб қолди.

Йўлдош-кемадан ажралган термик кабина йўлдош-кема орбитасига яқин орбита бўйлаб ҳаракат қилмоқда, вақт жиҳатидан ундан 16 минут чамаси орқанда қолмоқда.

Учирувчи ракетанинг охириг босқичи орбитага чиққандан Ер атрофини у ҳар 91,2 минутда бир марта айланиб чиқмоқда эди, апогеини эса 369 километр ва перигейни эса 315 километрга тенг эди. Учирувчи ракета охириг босқичининг Ер атрофини айланиб чиқиш даври утган бир ой ичда камайиб, 90,65 минутга тушиб қолди, апогеини ва перигейни камайиб, 315 километр ва 309 километрга тушиб қолди.

Йўлдош-кеманинг ҳаракатини оптик ва радиотехника поситалари ёрдамида кузатиш муваффақиятли давом этмоқда. Йўлдош-кемада ўрнатилган на 9,995 мегагерц частотада ишлайтган «Сигнал» радиопередачигининг сигналларини бутун дунёнинг радиостанциялари ва радиохаваскорлари бемалол қабул қилмоқда.

Совет Иттифоқининг ўлчов пунктлари «Сигнал» радиопередачигини юборётган маълумотларга асосланиб, йўлдош-кемадан босим ва температурани муттасил контроль қилиб турибдилар. Олинган маълумотларни ишлаб чиқиш йўлдош-кемадаги температура ва босим берилган нормалар доирасида турганлигини кўрсатмоқда. 16 июнда йўлдош-кемани эрталаб Кўш чигити олдидан пшмолий кенглигининг 50 градусидан жанубий кенглигининг 40 градусигача визуал кузатиш мумкин.

16 июнда учирувчи ракетанинг охириг босқичини Кўш чигити олдидан эрталаб пшмолий кенглигининг 58 градусигача визуал кузатиш мумкин. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ билан Артуро Фрондисининг бир-бирларига юборган мактублари

Аргентинадаги Май революциясининг 150 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Расси Н. С. Хрущев билан Аргентина республикасининг президенти Артуро Фрондиси бир-бирларига мактуб юбордилар.

Н. С. Хрущев Аргентина президентига юборган мактубида баъзи муҳим халқаро масалаларда ҳар иккала мамлакатнинг позицияси бир-бирига тўғри келадиганлигини, шу жумладан СССРнинг батамон ва ёшасида кўролсизланиш тўғрисидаги тақдирлари муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XIV сессияси қабул қилган резолюцияни шу сессиядаги Аргентина делегацияси қувватлаганлигини қайд қилди. Позицияларнинг умумийлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик Антарктика тўғрисида муҳим халқаро шартнома тузиш вақтида ҳам ижобий роль ўйнади.

Н. С. Хрущев бошқа халқаро проблемаларни ҳал қилишда Совет Иттифоқи билан Аргентина республикаси ўртасида тагин ҳам кўпроқ ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ўрнатилди, деб умид билдиради.

Артуро Фрондиси Н. С. Хрущевга юборган ўзининг жавоб мактубида совет халқи юборган табрик учун ва Н. С. Хрущевнинг шахсан юборган табриги учун ташаккур билдиради. Халқларимизнинг традицион дўстлиги ҳақида Сизнинг айтган гапларингиз, дейилади мактубда, мени мамун қилди. чунки биз миллий суверенитетини ўзаро ҳурматлаш асосида ҳамма халқлар билан муносабатларни давом эттириш ниятидамиз.

(ТАСС)

ТОШКЕНТ — МУСОБАҚАДОШЛАРИМИЗНИНГ ТАБРИГИ

Қадрли ўртоқлар, пилла тайерлаш йиллик планини ҳамда давлатга сўт сотиш ярим йиллик планини муваффақиятли бажарганлиқларингиз билан қизгин табриклаймиз. Сизларга янгида-янги муваффақиятлар тилаймиз. Ўз навбатида мамнуният билан шунин билдирамизки, Иваново областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга ўшт сотиш ярим йиллик планини 10 июнда, тухум сотиш 6 ойлик топширғини 12 июнда тўла бажардилар. Давлатга 55 минг центнер ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 баравар ўшт, 11 миллион дона ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 42 процент кўп тухум сотилди.

Область колхоз ва совхозларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан йирик юра моллар сони 24 процент, ситгилар 8 процент, чўчалар 18 процент, паррандалар 65 процент кўпайди. Биз шунга қатъий ишонамизки, областларимиз ўртасида кенгаётган ўзаро муСОБАҚА, мустаҳкамланаятган дўстлик, нардолларча ўзаро ёрдам саноат ва қишлоқ хўжалигида 1960 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради.

И. В. КАПИТОНОВ,

Иваново область партия комитетининг биринчи секретари.



Суратда: област қишлоқ хўжалик илгорларининг Ингйўлда бўлиб ўтган кенгашида «Оққўрғон» совхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов сўзламоқда. В. Салов фотоси.

МЕХНАТ ЗАВҚИ (ХАТЛАРГА ОБЪЕКТ)

Мактабларнинг кўйи синфларида ўқув йили тугаб, ёзи каникул бошланди. Ўқувчилар ёз бўйи хушчақчақ дам олиб ҳордиқ чиқарадилар, соя-салқин жойларда бўлиб янги куч, янги ғайрат тўплайдилар. Шу билан бирга ўқувчилар мактаб тажриба участкаларида, колхоз ва совхоз далаларида замиш меҳнат қиладилар. Редакцияга келадиган талай хатларда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Гулистон районидagi мактаб ўқувчилари ёзи каникулини ўз ота-оналари ишлаган колхоз далаларида ўтказишмоқда, — деб ёзилади. А. Мирсаидов ва М. Алиев ўртоқлар. — Райондаги Фрунзе номи мактаб ўқувчилари «Ленинград» колхозини аъзоларига яхши ёрдам бермоқдалар. Улар қисқа вақт ичида 100 гектарга яқин пахта майдонидан гузани ўтдан тозалادилар.

Шунингдек, Оққўрғон районидagi Сталин номи, Янгийул районидagi 13-ўлиқсиз ўрта мактаб, Янгир шаҳридаги Фуркат номи мактаб-интернат ўқувчилари ҳам пахта далаларида фидоорона меҳнат қиладиганликлари, қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда бой тажриба орттиратганликлари ҳақида ҳаваскор мухбирларимиздан И. Тўлаев, Қ. Азимов, Х. Аҳмедов, И. Умнатов, Ҳ. Кожиев ўртоқлар ёзиб юборишган.

Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашда ўқув участкалари ва тажриба участкаларининг роли катта. Чунки ўқувчилар бу ерларда меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлайдилар, дарсада олган билимларини амалда сынаб кўрадилар.

Мактабнинг тажриба участкасида донм иш қилгани, — дейилади О. Муҳаммаджоновнинг Тошкентдаги 81-ўрта мактабдан ёзиб юборган хабарида. — Ўқувчилар участкага сабазавот ва полив экинлари билан бир қаторда чигит ҳам еканан эдилар.

Калинин районидagi 2-ўрта мактаб теплицани хўжаликда мўлжал турган ёш пилачилар тўрақларини аъзолари ҳам актив иштирок этишди. Айрим тўрақлар раб икми ва ундан ортиқ кўти кўри уруғи қобиқ, ҳар кутисидан 75 килограммдан аъло сифатли пилла ҳосили етиштиришга муваффақ бўлишди. Гулистон районидagi Киров номи, Оққўрғон районидagi Сталин номи, Пискент районидagi Муқимий номи, Янгийул районидagi Андреев номи, Ўрта Чирчиқ районидagi Попов номи, Чиноз районидagi 30-мактаб ўқувчиларининг пилла ҳосили етиштиришда кўлга киритган ютуқлари ҳақида газетхоналаримиздан А. Бургутов, Ф. Алиев, С. Исмоилов, Н. Баркашев, Ш. Камолот, С. Дамнов ва Д. Аҳмедов ўртоқлар қувонч билан ёздилар.



ҚИШЛОҚ КУТУБХОНАЛАРИ ИШИ ЯХШИЛАНСИН

Китоб—билим манбаи, ёш-қари-нинг энг яқин дўсти, кўмакчиси. Мамлакатимизда бирор қишлоқ йўқки, у ерда китоб магазини, кутубхона ёки қироятхона бўлмасин. Кутубхоналар ишини яхшилаш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Аммо ана шу имкониятлардан ҳамма ерда ҳам тўлиқ фойдаланилаётган деб бўлмайди. Жумладан, Бўка районидagi Марказий ишчи посёлкаси, қишлоқ совети, мактаб ва колхозларга қарашли кутубхоналарини олиб кўрайлик.

Район марказий кутубхонасида аъвол айниқса, ачинади. Аввало кутубхонада тартиб йўқ, 8 мингга яқин китоб «полка йўқ» баҳонаси билан ерда тартибсиз сочилиб ётибди. Китоблар рўйхатини ўқиб бирон нарсани аниқлаш қийин. Қайси китобни қардан қидиришни кутубхона мудирининг ўзи ҳам биламайди. Кутубхонанинг ўқув залида бор-йўғи икки стол ва тўрттагина стул бор. Кутубхонанинг эски биноси кўп йиллардан бери дўрстроқ ремонт кўргани йўқ.

Район бошлар кутубхонасининг аъволи аса бундан ҳам баттар. Ало-

«Чирчиксельмаш» заводда рационализаторлар қатори 200 кишидан ҳам ошиб кетди. Шу йилнинг биринчи кварталда бу новаторлар томонидан 300 таъриф тўшди. Уларнинг 65 таси амалга оширилди. Бу ҳар йили корхонага 650 миң сўм фойда келтиради. Суратда: корхонанинг актив рационализаторлари (чапдан) В. Альтман, М. Абкаримов ва И. Елфимов ўртоқлар.

В. Кожиевнинг фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Энергетиклар ғайрати

Халқимизда «Ихши сўз-жон озиғи» деган ҳикматли сўз бор. Никита Сергеевич Хрущёвнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Бутуниттифок кенгашида бўлаган нутқи кўп қатори қўйи Бўсўй каскади коллективини ҳам янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантириб юборди. Энергетиклар беш ойлик пландан ташқари бир неча миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқардилар.

Энергетиклар орасида коммунистик меҳнат зарбдори ва бригадаси деган шарафли ном олиш учун курашувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Янл бошдан бери ГЭСлар ўртасидаги мусобақада ғолибликни қўлдан бермай, каскад кўчма Қизил байроғини сақлаб келадиган ўртоқ В. Привалов бошлиқ 6-ГЭС коллективини ошириб бажариш билан бирга кўплай электр қувватини тежаб қолмоқда.

Набатчи электромонтерлардан А. Фозиллов ва М. Киселев ўртоқлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бутун каскад коллективининг ҳурматига сазовор бўлаётдилар.

Меҳнатсевар коллектив КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларини июнь ойи панини мўдатидан 10 кун илгари бажариш ва пландан ташқари бир неча миң киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш билан нишонлаш учун курашмоқда.

Б. МИРЗААХМЕДОВ.

МЕДИК ЛЕКТОРЛАР

Киров район партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг «Хозирги замон шаронтида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга оширабериб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш, уларда меҳнатта коммунистик муносабатда бўлиш ҳиссини ошириш масаласига катта аътибор бермоқда. Лекция пропагандаси кун сайин кучайтирилади. Бу ишга мутахассислар, илмий ҳодимлар тобора кўпроқ жалб қилинмоқда.

Айниқса ортопедия ва Семашко номи илмий-текириш институтлари партия ташкилотларининг бу соҳадаги фаолияти диққатга сазовордир. Бу илмий муассасаларда ишловчи кўпчилик медек олимлар сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият район бўлимининг аъзоси ҳисобланади. Ҳар икки институтда ҳам жамият аъзоларининг группаси ташкил қилинган.

Медик лекторлар фақат даволадангина қилишлар ўртасидagina эмас, балки район ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ўртасида ҳам лекция

пропагандаси олиб боришда актив иштирок қилмоқдалар. Профессор А. Ажималаев ботчилик қиладиган ортопедия институти лекторлар группасининг аъзолари томонидан кейинги икки ой мобайнида халқ соғлигини яхшилаш проблемалари билан боғлиқ бўлган темаларда юздан ортиқ лекция ўқилди.

Семашко номи институт лекторлар группасининг иш тажрибаси айниқса мақтовга сазовордир. Группа составида фан кандидатлари, илмий ҳодимлар ва врачлардан 28 киши бор. Группага медицина фанлари кандидати А. Сигал ботчилик қиладиган. Группа лекция текстларини ишлаб чиқиш юзасидан ўз тематик панига ага. Лекторлар беморлар, шунингдек яқин атрофда истиқомат қиладиган маҳалла меҳнаткашлари ўртасида тез-тез лекциялар ўқимоқдалар.

Жумладан, институт директори, медицина фанлари кандидати В. Мунаткашлари ўртасида ҳам лекция

ликлари», С. Қосимова «Партия ва ҳукуматимизнинг оналар ва болалар соғлиғи ҳақида ғамхўрлиги», А. Сигал «Медицинада радионизотопларни қўлланниш», И. Владимирская «Медицинада рентген-радио ва ультрафиолет нурларидан фойдаланиш» деган темаларда лекция ўқилди.

Институт партия ташкилоти ва лекторлар группасининг ташаббуси билан савол-жавоблар кечаси ўтказилди. Институт фойсига осиб қўйилган «Савол беринг — жавоб берамиз» деган афишда Тошкент минерал сувларининг даволаш хусусияти ҳақидаги саволларга жавоб берилади, деб кўрсатилган эди. Кечани ўтказиш олдидан 50 дан ортиқ савол тўшди. Одамлар билан диққатдан лекция залининг сахнасида 7 олим — А. Дрикин, М. Солиқов, А. Шаталин, А. Мусоев, Г. Фитисова ва бошқа ўртоқлар тиқдилар. Улар икки соатдан ортиқ вақт давомда ёзма ва озаки равишда берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Кеча тингловчиларда жуда катта қизиқиш ҳосил қилди. Шу сабабли институт партия ташкилоти турли масалалар юзасидан тематик кеталарни бундан сўнг фақат институт доирасидagina эмас, балки бошқа муассасаларда, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда тез-тез ўтказишга туринга қарор қилди.

Лекин шунинг айтиш керакки, районда лекция пропагандасини янада кучайтириш, бу ишга олимлар, илмий ҳодимлар ва айниқса медекларни кенг жалб қилиш мумкин. Чунки, район территориясида кўпсонли даволаш, санитария-мариоф муассасалари бор. Ҳатто шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ҳам шу ерда жойлашган. Уларда анчагина медицина ҳодимлари ишлайди. Бу кучдан меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини янада кучайтириш, айниқса халқ соғлигини яхшилаш билан боғлиқ бўлган темаларда лекция ўқилиши кенг йўлга қўйиш имконияти мавжуд.

Район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари ана шу мавжуд имкониятларни аътиборга олишлари, бу соҳада сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг район бўлимига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

А. ЕВСТИФЕЕВ.

„ЖАНГОВАР ВАРАҚА“ЛАР ХАМ ЧИҚАРМОҚДАЛАР

Бекбоаб районидagi Навоий номида халқнинг «Мўла ҳомқи» дегорин галатеи мўлаззам равишда чиқиб турибди. Унинг ҳар бир сон тўли суратлар билан беллаб, ўқимлиш қилиб чиқарилади. Илғор рационализаторлар, қоравдорлар мактаблари, ўрта мактаб оқувчилари партиянинг ўз вақтида эшонқоқ билан ўқувчиларни ташкил қилган бригада бошқаларга ташкил қилинмоқда. Шунинг учун ҳам таътилни ҳар бир сонини колхозчилар зўр қизиқиш билан ўқийдилар.

М. Абдуллаев, П. Абдуллаев, А. Холмуродов, Қ. Тўшев каби рақолхонлар аъзолари ўз устларига ишлаган вазифани сўзлашди. Билан адо этмоқдалар. Шу билан бирга таламчилик ва беравонлик бригадаларидagi айтилорларга яқиндан ёрдам бериб «Жанговар варақалар» ҳам чиқараётдилар.

Х. ХОЛМИРЗАЕВ, Н. МАМАТКУЛОВ.

Шоирнинг уй-музейи

Қўқондаги Матбуот кўчасида кўзга яққол ташланиб турадиган катта бино бор. Бу ерда биринчи ўзбек совет шоири, драматурги ва санъаткори Ҳамза Ҳакимзода Нисийнинг ёшлик йиллари ўтган. Ҳамза ижодининг илк дари бошланган бу уй кейинчалик шоирнинг уй-музейига айлантирилди.

Ҳамза ҳаёти ва ижодий фаолиятининг кўргамасига айлانган бу музей беш хонадан иборатдир. Музейнинг биринчи хонасида Ҳамзанинг ёшлик йиллари, шунингдек революцион фаолиятини аса эттирувчи экспонатлар кенг ўрин олган.

Музейнинг иккинчи хонаси Ҳамза драматургиясига бағишланган материаллардан иборатдир. Бу ерда биз Ҳамза ижод қилган драматик асарларга нисбатан илустрация ва эскизаларни ҳам, шоир ташкил этган сайёр драм

группа аъзоларининг расмларини ҳам кўрамиз.

«Ҳамза шоир ва жамоат арбоби» деб аталувчи учинчи хонадаги экспонатлар ҳам катта қизиқиш билан тамоша қилинади.

Музейнинг қолган тўрт ва бешинчи хоналари Ҳамза вафотидан кейинги йилларда унинг саҳналаштирилган асарлари ва бу асарларнинг ижро этган санъат усталарининг суратларидан иборат экспозицияни ташкил этади.

Ҳамза туғилган куннинг 70 йиллиги олдидан шоир уй-музейида адабий кечалар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ҳамза билан бирга яшаган ёшлар унинг билан яқиндан алоқада бўлган адиб ва атоқли кишилар бу учрашувларда экскурсиячиларга Ҳамза фаолияти ҳақида гапириб бермоқдалар.

Ш. КАРИМОВ.



Ҳамза Ҳакимзода Нисийнинг уй-музейи

КҮРИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда Тошкентда Ўзбекистон театр ҳаваскорлари республика кўриги қизгин давом этмоқда. Кўрик бошлангандан бери бир неча театр ҳаваскорлари ва халқ театрлари коллективлари жамоатчилик муҳокамасига ўнга яқин спектаклни тақдим этишди. Ўрта Осиё Политехника институтини театр коллективининг (режиссёр Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Хўжаев) «Тога-жиянлар», Тошкентдаги «Қизил тоғ» тижувчилик фабрикаси маданият саройи коллективининг (режиссёр А. Гуцулов) «Олис йўл» ва «Тамселемал» заводи ҳаваскорларининг (режиссёр П. Миронякин) «Очиқ дераза» сингари спектакллари тамошбинларга манзур бўлди.

Тошкент область, Миразқўда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„РАҲБАР БЕПАРВО БҮЛГАЧ...“

Тошкент шаҳридаги 5-масалхонанинг бош врач П. О. Панючихининг юзасидан тезда зарур чоралар нўриш ҳамда ташкилий ва медицина ишларини тубдан яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Каменский бошчилигида комиссия ташкил қилинган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», 3-БЕТ, 17-ИЮНЬ, 1960 ЙИЛ.

АЙНИ МУДДАО

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистонда музика таълимининг янада яхшилаш ва музика санъатини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори бизларни янгидан-янги ижодий муваффақиятларни қўлга киритишга отлантирмоқда.

Ҳамза номидаги Тошкент давлат музика билим юрти республикамиздаги энг кекса музика ўқув юртиларидан бири ҳисобланади. У, 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозиргача мингга яқин музикашунос, хор-дирижёрлари, солист ва чоғувчиларни етказиб чиқарди.

Музика санъатининг катта бир авлодини етиштирган бу мактабда ҳозирда 383 та ёш қар билим оломоқда. Ўқув юртининг фортепьяно, духовой асбоблари, хор-дирижёрлик, музика назариса каби бўлимлари бор. Ҳозир 76 ўқувчи ўрта-махсус музика таълимининг олиб, республикамизнинг турли шаҳар, район ва қишлоқларига ишлаш учун жўнаб кетиш олдига турибдилар.

Коллективимиз билим юрти комсомол ташкилотининг ташаббуси билан Тошкентдаги қишлоқ хўжа-

ҚИСКА ХАБАРЛАР

Бўстонқоқ районидagi Киров номи ўрта мактаб маъмурияти бу йил мактаб хузурида турган тўрағи ташкил этиди. Тўрағида Г. Голоткин раҳбарлик қилмоқда. Тўрағининг дастлабки муассулотида ёш спортчилар райондаги тоғлиқ жойларга лоҳида бориб, у ерларининг географик тузилиш билан танишдилар. Тўраған аъзолари яқин кунлар ичда областинининг бошқа районларига ҳам чиқибди.

Э. ТУРКМОНОВ.

Шу кунларда Тошкент темир йўл транспорт илмий-таълим институтининг битирувчи курс студентлари диплом устиди ишламоқдалар. Диплом темалари темир йўл саноатининг турли тармоқларига бағишланган. Темир йўл ва кўприк қурилиш факультетининг дипломанти Н. Кожиевнинг ишлаган илмий иш Тошкент темир йўлида қўлаш учун мўлажалланган конструкциялар лойиҳасига, шунингдек О. Абдуллаев, Валиев каби дипломантларнинг илмий ишлари темир йўл саноатига ҳалли тўла ишлаб чиқилмаган проблемаларга бағишланган.

М. СУЛТОНОВ.



Карим ҲАКИМОВ.

Қурувчи Ҳакимов—аълочи жангчи

Карим Ҳакимов яқингинада Тошкент коммунал хўжалик техникумининг студенти эди. Техникумининг саноат-граждан қурилиш бўлимида бирга ўқиган дўстлари кенгайиб кўз ўнгиди. Ҳа демай техникум ҳам тамомланди, студентлик йиллари орқанда қолди. У Янгийул районидagi Свердлов номи колхозга ишга тайинланди. Колхозда янги дўстлар орттирди, мустақил ҳаётга қаддам қўйди.

Колхозда ишлаб юрганида Карим ҳарбий хизматга қабул қилинди. У Ватан олдидagi гражданик бурчинини ўташ учун кетди.

Ҳарбий билимини эгаллаш, жанговар қуролни билиб олиш осон эмас. Походлар, кундуз ва кечурунги хилма-хил машқлар ва бошқа топириқлар соғиқ қурувчи учун янги олам бўлиб туюлди. Жангчи Карим Ҳакимов артиллериянинг севиб қолди. Уруш йиллари артиллериячиларимиз кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар Каримни жуда мафтун этди. Артиллерия командири сержант Вотяковнинг улуг Ватан урушида кўрсатган жасорати унда айниқса катта таассурот қолдирди.

— Худди шундай маҳоратли артиллериячи бўлишга ҳаракат қиламан.— сўз берди

„РАҲБАР БЕПАРВО БҮЛГАЧ...“

Тошкент шаҳридаги 5-масалхонанинг бош врач П. О. Панючихининг юзасидан тезда зарур чоралар нўриш ҳамда ташкилий ва медицина ишларини тубдан яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Каменский бошчилигида комиссия ташкил қилинган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», 3-БЕТ, 17-ИЮНЬ, 1960 ЙИЛ.

